Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 66 (7. 155) ◎ 1990 йил 21 март, чоршанба ◎ Баҳоси 3 тийин



Наврўз айёмингиз муборак, азизлар!



Мусаввир **Олимжон Холиқов** чизган расм.

Муҳтарам
ҳамюртлар,
азиз элдошлар!
Ота-оналар,
опа-сингиллар,
келажагимиз бўлган
ёшлар, нури
дийдаларимиз, келинг,
ҳаммамиз бир
бўлиб, қўлни-қўлга
бериб, моҳиятан
эзгу ва хайрли
ишларга сафарбарлик
айёми бўлган
қадимий ва
навқирон умумхалқ
байрамимиз Наврўзни
гина-кудурат ва
адоватсиз, халқимизга
хос бағри
кенглик, меҳригиёлик
билан ўтказайлик.



◎ Ассалом, Навбаҳор фасли!

◎ Бугун тонг ғира-ширасида қушнинг сайрашидан уйғондим. Минг марта шукр! Майна шунчалар шодон, шунчалар завқ-шавққа тўлиб сайрарди-ки, мен ўзимни тўрт деворн бетондан қурилган кўп қаватли уйда эмас, кўм-кўк кенг майсазорда, боғ-роғли ҳовлида, суви чулдираб оқиб ётган ариқ бўйларида ялпизу исмалоқлар терib юргандек ҳис қилдим. Даст ўрнимдан туриб, дераза ёнига келдим. Ана, ўрик гуллабди! Кечагина ғунчаларн бўртиб-бўртиб турган бир туп ўрик бетон девор ёнида ҳам қийғос гуллабди. Пушти ранг, оппоқ гулларнга боларилар парвона.

— АССАЛОМ, Наврўз! — дедим деразани ланг очиб, — Ассалом, табиат! Ассалом, баҳорни соғинган менинг ҳамшаҳарларим!

Кеча тонг саҳарда қўшним Шоҳида ҳаммамизга бир косадан сумалак улашди. Ҳа, ўтган кеча биз қўшнилар шу бетон уй ёнидаги умумий ҳовлимизга сумалак сайлига чиқдик. Оҳ, тўй ўчоққа ўт ёқиб, дош қозонда сумалак пиширилаётган чоғларни шунчалар севаманки! Бундай пайтда ҳеч ким бир-бирига қош-қовоқ уймайди. Ҳеч ким ҳасрат дафтарини варақламайди. Соғлом руҳ, аъло кайфият, хушчақчақ кулгу, ўзаро меҳрибончилик, куй-қўшиқ дилларни эркалайди.

Қиш бўйи деярлик кўчага чиқолмаган момолар ҳам шу ерда. Уй, идора хизматларидан бироз толиққан Сафура-ю Дилбар опа, Ёқутхон ва Жамила, Карима опаю Қутбихон каби қўли гул аёллар ҳам шу ерда.

Сумалакжон, сумалак,
Мен сенга жоним ҳалак.
Сумалак қадим таом,
Уни пиширганларга
Дейминз дилдан: Ассалом!
Яйраб-яйраб момолар,
Қозонни ковлаб турар,
Ўсма тортган қиз-жувон,
Шўх қўшиқ куйлаб турар...

Қизлар, аёлларнинг чеҳралари жозибали, юзларига қон югурган. Дарвоқе, Абу Али ибн Синонинг нақл қилишича, Наврўз келганда танада қон меъёри билан ҳаракат қиларкан. Кўклам чоғидаги чеҳраларнинг гулгунлиги ҳам шундан экан.

Наврўз кирган куни тун ва кун баробарлашиб, қуёш бизга яқинроқдан заррин нурини соча бошлайди. Ерга, дилга, гулга, бутун борлиққа яқинлашади, садоқатли, ҳароратли қуёш ва ёруғлик! Эҳ, кўпни кўрган момолару, бегуноҳ гўдаклар номидан тилаймиз, сахий қуёш, нурларингни аяма! Одамларга инсоф бер, товфиқ бер, меҳр-оқибат ато эт! Муз юракларни иситиб юбор. Ҳақиқат, эрк тантанасига гувоҳ бўл! Кўкдаги кўк булутлар кўрпаси, ясси-ясси тепалар ёстиғи бўлган чўпончинг қўй-қўзисини кўпайтир. Бу йил, ҳа, бу йил ҳар бир деҳқоннинг ўз ери, демакким, ўз боғи, чорбоғи бор. Демак, энди биз шаҳарликларга деҳқон неъматлари— мева, сабзавот, қовун-тарвуз, сут-қаймоқ кўпроқ келади, бу йил бозорларда арзончилик бўлади...

Сумалак қавлаётган аёллар шундай ният қилишяпти, Қуёш, эшитаяпсанми?!

Қаердандир болалар топиб келган доирани чертиб, Сафура қўшиқ бошлайди. Шоира Бону қўшиғига биз жўр бўламиз. Сумалак виқир-виқири, Наврўз шаббодаси, болаларнинг шўх овози қўшиққа жўр бўлади.

Келди Наврўзи ажойиб, сайри
гулзор айлангиз,
Тўтию булбул сифат оҳанги
дилдор айлангиз.
Жам бўлиб аҳбоб ила тузмоққа
базми богаро
Ошиқи девона айтмай, бизни
ҳам ёр айлангиз.

Қўшиққа шеър, лапар уланади. Дилда қат-қат тўпланган яхши орзу-ниятлар, тилаклар тўкиб солинади.

— Ойнаи жаҳонда кўрсатишди, — дейди Зарипаҳон, — Африканинг кичкина бир Қувайт деган давлатида йигитлар уйланаётганда уларга қанчаям пул беришаркан, совға тариқасида. Қанийди биздаям пул берилмаса ҳам ҳамма келин-куёвларга алоҳида уй-жой берилса. Қанийди гўзал келинларимиз биз инжиқ қайноналардан ҳоли яшашса...

— Бўлади, бўлади, — дейди сумалак кавлаётган Дилбар опа. — Партия ва давлатимиз халқ талабига қулоқ сола бошлади. Мана, менинг иккита ўғлим навбатда туриб, ишхонасидан уй олиб, кўчиб чиқиб кетишди. Шу десангиз, энди келинлару набираларимни ора кунда соғиниб қолаяпман.

— Ҳа, илойим қурувчиларимиз тезроқ-тезроқ уйлар қуришсин-да.

— Тинчлик бўлсин, айланай, юртимиз тинч, одамлар ҳалол, инсофли бўлса — ҳаммаси яхши бўлади.

— Энг муҳими ҳарбий хизматдаги болаларимиз соғ-омон келишсин. Ёмон кўздан асрасин...

Олам-олам орзулар сингиб кетган сумалак тонг маҳали пишиб етилди. Мазали сумалакдан тотиниб, дилимизга баҳор нашидаси, наврўз шодлиги, момолар фазилати, тонглар тиниқлиги кириб келди гўё.

Наврўз байрами, сумалак сайли ҳамма-ҳамма жойда катта тантанага, шодиёнага айланди. Чилонзордаги 138-мактабнинг Наврўз байрамини кўрдим. Жуда кўҳли, жуда тароватли, жуда ҳавасли. Юқори синф ўқувчилари ўз қўллари билан ялпиз, жағжағ, исмалоқ териб, кўк сомсаю кўк чучвара, ҳамда ўз қўллари билан буғдой ундириб, сумалак пиширишди. Кенг хонани келин уйидек безатиб, Наврўз ҳақида қўшиқ, шеър, ҳикматли сўз айтдилар. Ўз ҳунарларини, фазилатларини намойиш этдилар. Ота-оналар бу маҳоратли ёшларнинг устозлари Муяссар Расулова, Дилбар Азимова, Машкура Бердиева ва бошқа муаллимларга ташаккур айтдилар.

Бугун Наврўз. Туғилиш, яшариш, покланиш фасли. Ризқимиз уруғлари ерга қадаладиган фасл. Биз бугун табаррук, нуроний ота-оналар висолига ошиқамиз. Ўтганларнинг қабрига гул элтиб, барҳаёт руҳларини ёд этамиз.

Бугун ҳамма гиналарни унутамиз. Қор сувларига қўшилиб эриб, ерга сингиб кетсин ҳамма адовату гина-кудуратлар! Бугун қўлимиздан келса ҳамма-ҳаммага—бевага ҳам, беморга ҳам, ёлғиз одамга ҳам табассум, яхши сўз, шодлик, бир тутамгина қор ҳидли, баҳор, ҳидли бинафша улашайлик. Бугун ҳатто ит-мушукка озор бермоққа ҳаққимиз йўқ. Яхши одатлар уруғи қалбимизда униб-ўссин, кўкарсин, кўпайсин!

Бугун саодатли кун! Бахт-саодат ҳамма хонадонга кириб борсин. Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида шундай ёзган экан: «Наврўз куни тонг отганда биров гап гапиришдан олдин уч қошиқ асал ялаб, уч бўлак хушбўй мум тутатса, бу кўп касалликларга шифо бўлади».

Ҳа, Наврўз тонгида асал яланг, келинлар, қайноналар, дилингиз, тилингиз асалдай бўлсин! Асалдай шифо берсин! Сўзингиздан, меҳрингиздан ҳар қандай бемор шифо топсин, гўзал ҳамшираларнинг! Баҳор ёмғирларига қўшилиб, еримизга инсоф, барака, меҳр адолат ёғилсин. Ҳақиқат ёзилсин! Баҳор гуллари қатида табассум, поклик, иффат, соғлиқ, жозиба, ханда кулсину, Наврўз шамоллари қанотида одамлар юрагига кириб борсин. Мудом жой олсин, гулласин қалбимизда, шууримизда!

Яхши фазилатлар гуллайдиган фасл. Наврўз келди, демак яхшилик келди. Ҳар биримизга яхшилик тилайман, азиз ҳамшаҳарларим! Наврўзингиз муборак!

Санъат МАҲМУДОВА.

ГУЛЛАР ҚАТИДА ТАБАССУМ

МИЛЛИОН ДОНА ЁҚУТ

Инсон табиатан шундай — гулга талпинади, интиқ бўлади, унинг нафаси уфурган боғ-роғларин кезгиси келади. Тошкент шаҳар манзарали боғдорчилик совхозининг жамоаси гўзаллик яратмоқда. Биз хўжалик бош агрономи А. Р. Каримов билан Наврўз айёмида суҳбатда бўлдик.

— Абдувоҳид Рашидович, ўзингизга маълумки, қутлуғ айёмларни халқимиз гулсиз ўтказмайди...

— Жуда тўғри айтдингиз. Шуни инобатга олиб биз шаҳардаги гул савдоси шохобчаларига бир миллион дона гул етказиб бердик. Жумладан, чиннигул 30 минг, лола — 10 минг, атиргул — 10 минг, карнайгул — 1 минг, кўкатлардан — 50 минг ва кесиб сотиладиган бир қатор гуллардан бир неча 10 минг дона. 250 минг манзарали ўсимликлар эса ҳамшаҳарларимиз хонадонига кириб борди.

— Хоналарда ўстирилаётган гуллар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Бундай манзарали ўсимликлар табиатнинг бир бўлаги бўлиб, ажойиб нафис барглари, анвойи ва ғаройиб гуллари билан хона ҳуснига ҳусн қўшади.

Айримларидан ҳаводаги касаллик микробларини ҳалок қилувчи фитонцид моддалар ажраладн. Хонада етиштириш учун худди табиатдагидек шароитлар бўлиши керак. Гулларни хонада тўғри жойлаштириш ҳам муҳимдир. Етарли шароит яратган тақдирдагина яхши ўсиб, ривожланиши мумкин.

— Айрим гуллар чиройли, аслида заҳарли бўлар экан. Шу тўғрими!

— Дарҳақиқат шундай. Уларни парваришлаётганда ажратилаётган ширанинг терига тегишидан эҳтиёт бўлиш керак. Хонада ўстирилаётган гуллар қалаштириб ташланса албатта яхши ривожланмайди. Айримлари эса инсон организмига зарар етказиши ҳам мумкин. Умуман, гўзалликда ҳеч бир нарса гулларга тенг келолмайди.

Дилмурод ОБЛАЕВ.



◎ Қуёш шаҳри — Тошкент байрам жамолида ҳам яшнаяпти.

НАВРЎЗ:

СЕНИ ҚУТЛАШГА КЕЛДИМ

Улуғ Тошкент, сени қутлашга келмиш
Наврўзи олам,
Унинг пешвозига чиқмиш ҳудудингда бор одам.
Хиёбону майдонлар келинчак уйидек бўлмиш,
Қуёвлардек ясанмишсан, ўзинг, эй қутлуғ қадам,
Бугун—Наврўзи олам байрамидур Ўзбекистонда,
Тамоми хонадонда дўст-дўстига эрур ҳамдам,
Зиёфат устида ширин-суханлар суҳбати гавжум,
Азиз нон ёнида ҳар нозу неъматлар эрур баҳам.

Яна Наврўз Жийрон—қашқа отни
совға келтирмиш,
Илон-изини тепкилаб, диёримдан этар барҳам...
Яна дўстлик, қардошлик, иноқлик даври мангудир,
Яна меҳнатда роҳатлар қадам ташлайди шахдам.
Янги йилда янги иқболларнинг қонуни чиқмиш,
Қариликда ҳузур қилсам, бари дардимга малҳам.

Юсуфжон ҲУЗУРИЙ.

⊙ Оламни яшиллик ва гул-чечаклар билан безаб, зеболаниб Наврўз келди. Бу байрам жуда қадимий бўлиб, Шарқ халқлари уни шодиёналик билан нишонлаб келганларидан тарих ҳам шоҳидлик беради.

ҚАДИМ қўлёзма, илмий ва афсона манбаларига мурожаат қиладиган бўлсак, Наврўзнинг жуда қадимийлигини тасдиқловчи талай далиллар мавжудлигини кўрамиз. Баъзи маълумотларга кўра Наврўз эронликларда аҳамонийлар давридан бошлаб (милоддан аввалги 558—330 йиллар) байрам тусига кирган.

Наврўз буюк бобокалон шоиримиз Алишер Навоий назмидан ҳам кенг ўрин олган. Шоир ўзининг «Ҳазойинул-маоний» асарида Наврўзнинг байрам қилиниши, шу куни тун билан куннинг тенг келишини илмий боғлаб, уни қуйидаги мисраларда ифодалайди:

Васли аро кўрдум, тенг эмиш бўйию-сочи,
Тун-кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди, чу Наврўз.

Наврўз ҳақида аниқ маълумот ва илмий хулосаларни буюк аллома Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қонуни Маъсудий», «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» ва «Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар» деб номланувчи асарларида, Умар Ҳайём ўзининг «Наврўзнома» рисоласида ёзиб қолдиришган. Абу Райҳон Беруний Наврўз тарихи ҳақида жумладан шундай ёзади: «Эрон олимларининг баъзиси у кунни «Наврўз» деб аташининг сабаби шуки, у ерда Жамшид подшо бўлгач, у мажусийлар динини янгилади ва ана шу кун «Наврўз» — «Янги кун» деб атала бошлади». Лекин бу байрам Жамшид подшолигидан илгари ҳам нишонланганлиги маълум.

Абу Райҳон Берунийнинг ёзма маълумотларига кўра, Наврўз қадимда олти кун давомида байрам қилинган. Эронликлар йилидаги биринчи ой — фарвардиннинг дастлабки куни «Подшоҳ Наврўзи» деб аталган ва шу куни Янги йилнинг кириш куни бўлган, шу ойнинг олтинчи куни эса «Катта Наврўз» деб нишонланган. Подшо Наврўзи XV аср манбаларида ҳам янги йилнинг кирган куни, деб эслатиб ўтилади. Демак, Наврўз ҳар бир жойда баҳор келганда, бироқ, ҳар хил вақтда кутиб олинган. Наврўзнинг асл моҳияти — «Нав» — янги, «рўз» — йил, яъни Янги йил деган маънони билдиради. Наврўз байрами Эрондан то Туркистонгача, Кавказ ва Қозоғистондан Ҳиндистонгача кенг нишонланган.



БАҲОР

Фасли навбаҳор ўлди, кетибон зимистонлар,
Дўстлар ғаниматдур, сайр этинг гулистонлар.

ФУРҚАТ.

«Дунёда нима гўзал?» деган саволга эзгулик билан жавоб берилади, чунки гўзаллик — яхшиликнинг рамзи-оройиши ҳисобланади.

Дунёда гўзал нарсалар кўп: Қуёш, гул, гулгун чеҳра... Эҳе, уларга таъриф-тавсифнинг кераги йўқ.

Дунёда нима гўзаллигини шоирлар яхши ташбеҳ билан ифодалайдилар:

Баҳор фасли, ёр васли, дўстлар лутфи, гулларнинг асили!

Баҳор фаслида нав-ниҳолларни гул-ғунчалар безаса, қумрию, булбуллар ҳаётга мадҳу сано айтиб, сайраб-яйрайдилар.

Наврўзи айём баҳоридан эътиборан умрингиз унинг гул-ғунчаларидек гўзал, болдек ширин, тўлин ойдек фусункор бўлсин!

Темур РАҲМОНОВ.



Анъаналар—халқ мулки

УМРЛАРНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Ўрта осиёлик олим Абу Бакр Муҳаммад Ибн Жаъфар Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида ёзилишича, Варахшада халқ йилнинг охирида 20 кун бозор ишлари билан машғул бўлиб, 21-куни эса «Наврўз»ни — Янги йилни кутиб олишган ва бу «Деҳқонлар Наврўзи» деб аталган. Бухоро деҳқонлари йил ҳисобини шу кундан бошлаб ҳисоблаганлар. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, Наврўз календарь удумлари жумласига кириб, «Йилнинг боши», «Янги йил» тушунчалари билан тун ва куннинг тенглигига тўғри келар экан.

Буюк аллома Бобурнинг ижодий фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, Наврўз у даврда энг оммавий байрамлардан бири сифатида нишонланган. Агар Наврўз пайтида урушлар кетаётган бўлса, жанглар маълум муддатга тўхтатилган, қон тўкилмаган, сайил, ов уюштирилган, ҳар хил мусобақалар, от ўйинлари, камондан найза отиш, чавандозлик, қўшиқлар, шеърхонликлар уюштирилган. Наврўз пайтида давлатнинг сиёсий ишлари билан шуғулланилмаган, музокаралар олиб бориш тўхтатилган.

XVIII—XIX аср манбаларида Тошкент, Бухоро, Хива, Қўқон хонликларида Наврўзга эътибор янада кучайтирилганлигининг шоҳиди бўламиз. Байрам арафасида туғилган чақалоқларга «Наврўз» исми қўйилган, солиқлар вақтинча бекор қилинган, ёшу қари — барчага сумалак, ҳалим, гўжа, ялпиз сомса каби баҳорий тансиқ таомлар кўча-кўйларда, маҳаллаларда тайёрланиб улашилган ва шунинг асосида бир йўла ободончилик ишлари, ариқ-зовурлар қазишга катталар бош бўлиб ёшларни меҳнатга чорлашган.

Таъбир жоиз бўлса, Наврўз ҳар инсон умрининг ойдин йўлларини белгилаб беради. Наврўз шарофати билан ўлкамизнинг шаҳар ва қишлоқларида баҳорги ишлар жонлантирилади, халқ сайиллари уюштирилади, ёшларнинг баҳслари, айтишувлари, тарафма-тараф бўлиб аския, пайровлар бир-бирига уланиб кетади. Она табиат қўйнига лола сайиллари уюштирилади. Наврўз сайилларидан фойдаланган ёш қалблар бир-бирларига кўнгил изҳорини баён қиладилар...

Наврўз куни ёшу-қари ўзгача бир кайфиятда уйғонадилар. Шу куни она замин ҳам гўё қайта туғилгандек, ўзгача либосга буркангандек бўлади. Шу куни ҳамманинг лабида кулгу, юзларидан нур ёғилади. Қиз-жувонларимиз саккизтепки Марғилон хонатласларида, норғул йигитларимиз Наманганнинг «чуст» дўпписию, атлас қийиқчасини боғлаб гул-гул очиладилар.

Тонг саҳардан бошлаб кўча-кўйларда баҳорнинг дастлабки тансиқ таоми — сумалак, ҳалим пиширилади. Уларнинг ёқимли ҳиди димоқларни қитиқлаб, иштаҳа очади. Кўкатлардан танга ҳузур, жонга роҳат бағишловчи дармондорилар тайёрланиб, барчага улашилади. Қозонларда бир гўшт, бир гуруч паловлар, Қува анорию, Тошкент турпи уларга мунтазир.

Шу куни ҳамма бир-бирини ушбу таомлар билан меҳмон қиладилар, яхши ниятда хонадонларга тўпланадилар, қалб тўридаги энг яхши истакларини, эзгу ниятларини бир-бирларига тўкиб соладилар. Касал, дардманд кишиларни бориб йўқлайдилар. Шу куни боғ-роғлар, хиёбонлар, кўчалар, ариқлар тозаланиб, халқ ҳашари авжига чиқади. Бу умумхалқ ҳашари эса ўз навбатида ёшларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашга, шу удумларни бундан кейин ҳам шу тарзда давом эттиришга катта таъсир кўрсатади. Ҳашар давомида ўзбек, рус, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, татар, корейс, қўйингчи, жумҳуриятимизда яшаётган барча миллатлар фаол қатнашадилар, шунинг замирида буюк инсоний ҳистуйғулар — дўстлик, биродарлик, меҳр-оқибат ришталари янада мустаҳкамланади, камол топади. Мана шу тариқа Наврўз ўз жараёнида байналмилал кўринишга эга бўлади.

Наврўз кишиларга ўзгача тароват, олам-олам қувонч бахш этиб, уларнинг дунёвий қарашларини бойитади, кайфиятларини кўтаради. Миллий анъаналаримизни улуғлаш, бахт-саодатини таъминлаш ва меҳнаткашларнинг шодиёнасини кўнгилли ўтказиш мақсадида жумҳуриятимиз партия ва ҳукумати эртанги Наврўз кунини—21 мартни дам олиш куни деб эълон қилди. Бу чексиз ғамхўрликдан жумҳуриятимизда яшаётган барча эл-элатлар мамнун бўлдилар.

Севимли Наврўз байрами ҳар бир юракка шодлик, ҳар биримизга бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик ва омон-эсонлик бахшида этиб келсин!

Наврўз ҳаммамизга ҳамроз бўлсин, азизлар.

Анора АБДИЕВА,
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунуни тарих факультетининг ассистенти.

ИСМИГА ЖУДА ЯРАШАДИ

⊙ ТОШКЕНТ заргарлик заводи жамоаси баҳор байрамини юксак меҳнат совғалари билан кутиб олди. Шунинг билан бир қаторда Наврўз кўкрак нишонларини чиқаришга киришди. Бу ерда икки хил: бири тўрт бурчакли 10х45,5 миллиметрли бўлиб «Наврўз» деб ёзилган. Иккинчиси доира шаклда бўлиб айлана узунлиги 31 миллиметрни ташкил этади. Унда яшил буғдойзор акс эттирилган.

— Корхона жамоаси бу кўкрак нишонининг ҳар қайсисидан 2 минг 500 тадан тайёрлайди, — деди корхона бош инженери А. Саматов.

⊙ «УЧҚУН» атторлик-тўқимачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси баҳор байрами Наврўзга бағишлаб 15 хил рўмол ишлаб чиқаришга киришди. Ҳар қайсиси 4—5 хил рангда тайёрланадиган бу янгилик 80 хил ранг-баранг рўмолларни ташкил этади. Шунингдек, Наврўз арафасида нафис, юпқа матодан шартнома асосида рўмол тайёрлашга ҳам киришилди.

⊙ ҲАМЗА районининг Янгиобод даҳасида миллий меъморчилик асосида Наврўз чойхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Бу пойтахтимиздаги Наврўз номи билан аталувчи ягона иншоот бўлиб, Ўзбекистон махсус транспорт қурилиши трестига қарашли 4-механизациялашган кўчма колоннаси жамоаси томонидан бунёд этилди. Бинокорлар 320 минг сўмлик иш бажаришиб, даҳанинг 230 минг аҳолисига ҳадя этишди.

⊙ ШАМПАН ичимликлари заводи йилига 8 миллион дона ичимлик ишлаб чиқармоқда. Ҳозир заводда Наврўз байрамига атаб Наврўз деб номланган ичимлик ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Наврўз ичимлигининг 22 минг донаси пойтахтимиз магазинларига жўнатилади.

Марат АЪЛОЕВ.

БИРОДАРЛИК

Дўстлар, иноқликни қилингиз одат,
Тез-тез дийдор кўриб, ўзни айланг шод.

Умар ХАЙЁМ.





Орзиқиб кутилган, юракларни аллалайдиган Наврўз машинасозлар ҳаётига ҳам кириб келди. У миллий байрам—янги йил бошланиши сифатида эмас, балки барча миллатларнинг ҳам баҳор айёмига айланмоқда.

—Бизда ўзбек, рус, немис, татар, белорус миллати вакиллари бирга аҳилликда ишлашади,—дейди Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг 5-цехи бригада бошлиғи Дмитрий Атаманов.—Фақат бизнинг бригадагина эмас, бутун бирлашмамиз жамоаси Наврўзга астойдил тайёргарлик кўришяпти. Яхшиси, бу ҳақда юрхона партия комитетига, тўғрироғи Наврўз комиссиясига мурожаат қилсангиз, дейман.

Бирлашма партия комитети котибининг ўринбосари Николай Серафимович Алексеев бу борадаги қувончини яшира олмади.

—Наврўзга биз анча илгаридан тайёргарликни бошлагандик,—деди у.—Шу йилнинг февраль ойи охирларида ишчиларимиз ташаббуси билан шанбалик ўтказилди. Ўшанда раҳм-шафқат фондига ишлаб топилган пулдан ҳисса қўшдик.

Шундан сўнг корхонамизда Наврўз комиссияси тузган аниқ режалар асосида ҳар куни у ёки бу тадбир кўрила бошланди. Бунда албатта Дмитрий Атаманов сингари бригада етакчилари, бир қатор цех ишчиларининг ташаббускорлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Котиб гапига шуни қўшимча қилмоқчимизки, шу йилнинг февраль ойи ўрталарида бу пайвандлаш бригадасининг бир гуруҳ аъзолари—мастер А. Ваккер, ишчилар Т.Гусева, Б.Садиржонов, М.Шамшиддинов, З.Расулов, И.Шарифулин, А.Гукало, Д.Холмуҳамедовлар турли миллат вакилларини аҳилликда меҳнат қилиб, ютуқларни янада бойитишга чақирдилар. Шуниси диққатга сазоворки, бу бригада бир оила фарзандларидек бўлиб кетган. Кўпчилигининг оилалари байналмилал оилалар. Қадр-қиммат, ўзаро ҳурмат юқори. Байрамларни ҳамиша биргаликда ўтказишади.

—Наврўзда ҳам шундай бўлади, — дейишмоқда улар.

Ҳамид АКРОМОВ,

Ҳалима НОСИРОВА:

«БУ КУН САЙРАМАГАН БУЛБУЛ ЙЎҚ»

БОДОМ оппоқ бўлиб гуллади. Бошқа мевали дарахтлар ҳам куртак чиқариб, шоналаб турибди. Пойтахт табиатидаги бу ажиб, баҳорий уйғонишга маҳлиё бўлиб, Космонавтлар хиёбонига етиб борганимни сезмай қолибман. Суюкли аямиз, СССР халқ артисти Ҳалима Носирова самимий табассум, андек ҳаяжон билан кутиб олдилар.

— Байрам арафасида қўнғироқ жирингласа қизим Нодира келгандек туюлади, — деди ая ичкарига бошлар экан, — қизимни соғиниб, илгари келган хатларини кўздан кечириб ўтирган эдим.

— У киши қаердалар?

— Миср Араб Республикасида муаллималик қилаяпти. Туриш-турмуши яхши, тез-тез келиб туради. Бир хатида: «Ойижон, бизда ҳам Наврўз нишонланади», деб ёзган эди. Айём билан табриклаб телеграмма жўнатишни мўлжаллаб тургандим.

— Ўзингиз тетикмисиз, байрам кайфиятларингиз яхшими, ая?

— Раҳмат, Навбаҳор танамга куч, руҳимга тетиклик бағишлаб юборди, Бахтиёрман. Чунки Ўзбекистондек ажойиб, мисли чаманзор, хушбўй ҳаволи, жаннатмакон ўлкада туғилдим. Энг ширин, завқли-шавқли дамларим Қўқонда ўтган. Тенгқурларим билан «тўптош» ўйнаганларим, ариқда шарқираб оқаётган сувга тандирдан янги узилган нонни ботириб еганларим, кўклам келиши билан қирлар бағрига ошиққанларим, ҳаммаси ёдимда.

— Ўша кезлари ҳам Наврўзи олам байрам қилинармиди?

— О, бўлмасам-чи. Расмий бўлмасаям у катта-ю, кичикнинг дилида, тилида эди. Наврўз ўз шодлиги, ҳусни-малоҳати билан кишини ўйнатиб, ашула айттириб юборарди. Уни ҳеч қайси айёмга таққослаб бўлмайди. Баҳор келиб, кунлар илиганда оналаримиз пахта чувиб, ип йигирар эдилар. Биз томошалаб турсак, дарахтларда чуғурлаётган қушларга ишора қилишарди. «Биласизларми, улар нима дейишяпти? Мана бундай:

Чуви, чуви мукинам,
Чуви, токарон мукинам.
Чувиб бермасанг,
Хоната вайрон мукинам...

Қани, қарашиб юборингларчи», — дейишарди.

Сочларига толбаргак, тол гулидан эса билагузук, исирга, маржон таққан шўх қизалоқларнинг бир айтишуви ҳам ёдимда қолган:

Читогула-а, читогул,
Этагингга читвосанг,
Қўлим қўлвоғда,
Белим белбоғда,
Аравада ун келди,
Чирмандада гул келди,
Ҳай-ю, читогул...

Мендаги куй-қўшиққа меҳрҳавас мана шу дамлардан уйғонган бўлса ажаб эмас.

— Айтишларича, онангиз Хосият Юсупова ҳам шоиртабиат бўлган эканлар...

— Онам матал, кичик-кичик эртаклар тўқиган. 11-12 ёшларида ёзган нарсаларини шоир Муқимий ва Завқийларга бирикки кўрсатганда улар маъқуллаб: «Баракалла қизим, энди исмингни Хосият эмас Алломахон қўямиз», дейишган. Шу-шу у кишини Аллома деб чақирадиган бўлишди. Катта опам ҳам илмли бўлган. У Навоий, Фузулий, Мирзо Бедил, Нодира, Увайсий асарларини форс тилида ўқирди. Мен айниқса баҳор, она-табиат, Наврўзи олам ҳақидаги ҳикоятлар ва шеърлардан мазза қилиб тинглашни яхши кўрардим.

— Бугунги шодиёнани кимлар билан кутишни истардингиз?

— Кўпчилик даврасида. Ҳар йили айёмда яқинларим, таниш-билишлар, кўпинча маҳаллалардан келишиб олиб кетишади. Дийдорлашамиз, уларга ўй-фикрларим ҳақида гапириб бераман.

Қутлуғ кунда менга кўп яхшиликлар қилган, ҳаётий сабоқлар берган бир инсонни ҳам ёдга оламан. У киши тошкентлик машҳур бой — Ёвушевнинг қизи Саодатхоним бўладилар. Ўшанда, 1923 йил ўқиш учун Қўқондан Тошкентга келган пайтим эди. «Сизга шунча бойликнинг нима кераги бор», деб отаси билан аразлашиб, уйидан чиқиб кетган Саодатхоним ўқиб, илмли бўлиб, хотин-қизлар билим юртига директорлик қилаётган экан. Жуда оқила, маданиятли, одамохун, меҳрибон эди. Наврўз келганда бир шоирга «Гунафша» деган пьеса ёздирибди. Қашқадарёлик Жамила исмли қиз «Гунафша» ролини ижро этган. Биз эса унинг атрофида рақсга тушганмиз.

Саодатхоним кўпчилигимизга пианино чалишни ҳам ўргатган. Шундай инсонлар орамизда ҳамиша кўп бўлсин.

Истакларим жуда кўп. Гўзал фасл, Наврўз айёми танамизга ғайрат, созанда-ю, бастакорга илҳом бағишламоқда. Шундай ажойиб дамларда яйрамаган инсон, сайрамаган булбул топилмаса керак.

Суҳбатни Саъдулла ШОДИЕВ ёзиб олди.

ЗАФАРЛАР ЭЛЧИСИ

БУ кунга анча илгаридан тайёргарлик бошланди. Бир ҳафта олдин Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг бу корхонаси Наврўз байрамини ўтказиш ташкилий комитети аниқ тадбирлар режасини белгилаб олди. Улар орасида энг муҳими «Наврўз» байрамини мароқли ўтказиш, унинг саҳна кўринишларини ижодий ўйлашга эътибор беридди. Бу иш «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг цех партия ташкилоти секретари А. Ю. Алимовга топширилди.

Шундай қилиб, автомобилчилар ҳаётида деярли ҳар куни бир янгилик рўй берди. Масалан, дастлаб одамлар бинога кираверишда «Наврўз»ни акс эттирувчи тасвир шоҳиди бўлдилар. Ўзбек ва рус тилларида деворий газеталар тайёрланди. Бадиий ҳаваскорлик ансамблининг машқлари янграб турди.

Бошқа ташкилий ишларни айтмайсизми? Магнитофону овози кучайтиргичлардан тортиб, микрофон, кассеталар, юзга яқин кўчатлар тайёрлаш, викторина, лотереялар уюштириш, энг яхши рақ-қоса ва қўшиқчиларга совғалар ҳозирлаб қўйишгача — юзлаб «майда-чуйда» ишларнинг барчасини оддий иш кунларидан кейин қолиб бажаришга тўғри келди.

Наврўз байналмилал байрам эмасми, шунинг учун ҳам ўн беш тилда ёзилиб, унда ўн беш миллатларнинг қўшиқлари янграши, рақслари ижро этилиши керак. Бунга иқтидорли бўлган ёшлар, истеъдодли кишилар танлаб олинди.

Албатта, Наврўзни сумалаксиз тасаввур этиб бўлмайди. Унга тайёргарлик ниҳоясига етган сайин автомобилчиларга олам-олам завқ-шавқ бахш этардди.

Бугун «Узавтотранстехника» корхонасига ташриф буюрган киши бу ердаги баҳор байрами нафасини яққол ҳис этади. Ҳаяжонда ўз юмушлари, ташвишлари билан елиб-югуриб юрган одамларни битта мақсад—баҳор ва меҳнат байрами — Наврўзни ҳар томонлама кўнгилдагидек ўтказиш нияти бирлаштириб турганини сездик. Айтганча, байрам дастурхонини баҳор ноз-неъматлари, янги миллий, лаззатли таомларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ялпиз сомса, қовурилган кўк чучварадан тортиб гўшт сомса, патир, лочира, чак-чак, варақи, жиззали нон, каравай нон, нишолда, турли-туман ширинлик—ҳаммаси дастурхон кўркки!

Автомобилчилар бутун шаҳримиз саноат, транспорт ва алоқа корхоналари ишчи-хизматчилари сингари Наврўзни янги бахт ва муваффақиятлар элчиси деб ҳисобламоқдалар.

Аброр ҲАСАНОВ.

МЕҲР-МУРУВВАТ



Ҳамиша халқинга меҳрибон бўлгил,

Яхшиликка мириш ва омон бўлгил.

Носир ХИСРАВ.



Ўзбекистон телевидениеси Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, В. И. Ленин номидаги Болалар жамғармасининг Ўзбекистон ССР бўлими, Ўзбекистон ССР Қизил Ярим Ой жамияти, жумҳурият Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси, Тошкент шаҳар «Меҳрибонлик» жамияти билан ҳамкорликда хайрия программасини ўтказади. Мухбиримиз шу ҳақда сўзлаб беришни Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети раисининг ўринбосари Элбек Мусаевдан илтимос қилди.

— Жумҳуриятимизда биринчи бор телевидение орқали ўтказилаётган бундай йиғирма тўрт соатлик хайрия программаси кўрсатувлари умумхалқ байрами — Наврўз туфайли ташкил этилди. Кўрсатувлар 21 март куни соат 10.00 да бошланиб 22 март соат 10.00 гача давом этади. Наврўз инсонни ардоқлаш байрами эканлигини бир дақиқа ҳам унутмаган ҳолда буни Ўрта Осиё жумҳуриятларида қандай нишонланаётганлиги, халқимизнинг урф-одатлари, Наврўз таомлари, барча тадбирлар кўз ўнгимиздан ўтади.

Кўрсатувлар давомида қариялар ва болалар уйларидан ногиронлар, бева-бечоралар ҳаёти ва уларнинг муаммолари ҳақида лавҳалар кўрсатилади. Инсоннинг хайрли ишлари, уни хотирлаш, ота-оналар хотираси, маданий мерос каби масалалар ҳам бор. Бундан ташқари диний ташкилот вакилларига бағишланган, оқсоқол ва қария онахонлар ҳаёти ҳақидаги кўрсатувлар ҳам кенг ўрин олган.

Корхоналарнинг меҳнат илғорлари ва ёшларнинг вакиллари, атоқли адиблар, фан ва маданият арбоблари, турли вилоятлардан тўғри телестудияга табрик ва хайрия инъомлари ҳақида хабар қилиш учун ташриф буюрадилар. Бунга имконияти бўлмаганлар эса табрик телеграммалари юборишлари мумкин. Вилоятлардаги баҳор байрамининг ташкилий ҳайъати вакиллари, телетомошабинларнинг хабарларини қабул қилиш учун телефонлар ўрнатилган.

Раҳматулла ФАЙЗУЛЛАЕВ.

ҚАЛБ ҲАЯЖОНИ

⊙ Наврўз айёмида жамоатчи мухбиримиз СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг нишондори Тамарахонимдан дилидаги истаклар, фикр-мулоҳазаларини гапириб беришни илтимос қилди.

— Наврўз чоғида ёшлик дамларим, мен ўсиб-улғайган Марғилон шаҳри кўз олдимга келади. Табиатнинг жонланиши, бойчечакнинг бўй чўзиши ёдимга кўп нарсаларни солади.

Наврўз куни биз, болалар сумалак пишираётган оналаримиз атрофида парвона бўлардик. Ям-яшил қирлар бағрида қучоқ-қучоқ гуллар териб, қўшиқ хиргойи қилганмиз:

Гул лолажон, гул лола,
Очилибди гул лола.
Гул лолажон, гул лола,
Роҳатижон, гул бола.

Музейимизда ўтадиган байрам тантанасида қадимий лапарлар, қўшиқлар ва ўзим ёзган шеърлардан айтиб бермоқчиман.

Мен жуда кўп хорижий мамлакатларда бўлдим. Шу жойларда яшаётган ўзбеклар билан бирга Наврўзни оламни нишонлаганмиз. Бу йилги айём шундай ўтиши лозимки, ўзбек халқи ўзининг маданияти, халқпарварлиги, дўстлигини намойиш қилсин.

Мени С. Раҳимов районидаги «Олмагул» маҳалласидаги шодиёнага таклиф этишди. Бахтиёр аёлларимиз иштирок этган бу базми-жамшидга турли хил миллий таомлар тортиқ этилган эди. Айниқса, сумалакнинг тотлилигини айтмайсизми. Биз ҳам хонадонимизда ҳар йили сумалак тайёрлаймиз. Яқинлар, дўст-биродарлар билан дийдорлашув доимо қалбимни ҳаяжонга солади.

Ортиқ МАХМАЮСУПОВ.

МИНГ МАРЖОН

Йўлдош МУҚИМОВ

Наврўз ҳақида ўйлар

ОНАЖОНИМ қишлоғимизнинг энг моҳир пазандаларидан эдилар. Сумалак пириш учун у кишини бошқа хонадонларга ҳам таклиф қилиб туришарди. Қайси ҳовлида сумалак пишса, кечқурунлари ўша ерда ўйин-томоша бўларди. Сумалакни дам-бадам кавлаб туриб, онам қўшиқ айтардилар:

Сумалак бо* пишади,
Қозонларга ёпишади.
«Сумалак ей» деганлар
Қумурсқадай чопишади.
Узоқ осмону фалак,
Қаерда ўттиз малак?
Солмасанг тез туз-намак,
Қачон пишур Сумалак?

Чақмоқ чақур камалак,
Қозон тўла сумалак.
Сайилдан олиб дарак,
Кўкдан тушди минг малак.
Қўзғасам тош чағирлар,
Қувнар дилу-бағирлар.
Есин тўйиб ва тўйиб,
Етим-есир, сағирлар...
Ош таги чуқур-чуқур
Тошу-капкир урушур.
Олов ёқ гулдур-гулдур,
Айниди ҳаво ўлгур...

— Биласизларми, чироқларим, «Сумалак» не деган сўз? — сўрардилар Нурмомо ая ҳамма сумалак пиширишга ташвиши билан банд бўлиб юрган маҳалда бизни чақириб. — «Сумалак» аслида «Си малак» — ўттиз пари, ўттиз фариштa, дегани. Сумалак пишаётганда, қозон бошида ўттиз малак ўтиради. Ошпаз эмас, ўшалар, парию-фаришталар пиширади сумалакни. Тонг маҳали, ҳамма чарчаб-чарчаб ухлаб қолганда, фаришталар сумалакка туз соладилар. Фаришталар қўлидан туз еган сумалак ширин бўлади. Ҳа, чироқларим, сумалак — Қутлуғ ош. Уни еганлар савоб топади.

Сўнгра Нурмомо ая ўз ҳикоялари охирига қўшиқ тўқиб, қўшиб қўярдилар:

Лола гул алвон-алвон,
Сумалак берар дармон.
Сумалак етмай қолган,
Бир умр қилар армон.

Бир неча қария бошчилигида биз, болалар, ҳаво рангдаги эски-туски кийимкечак ва латта-лутта йиғиб Бободеҳқон ясардик. Уни сайил ўтадиган майдонга қўярдик. Бошидаги салласи ва соқоли оппоқ пахтадан қилинарди. Арпа ва буғдой поялари ва бошоқларидан мўйлов ёпиштирардик.

Бободеҳқон турган майдонда гулхан ёқилиб, унинг атрофида турли-туман ўйин-томошалар бўларди. Юзига ниқоб кийиб олган кишилар гулхан устидан у ёқдан-бу ёққа сакраб, ўз эпчилликларини намойиш этиб кўрсатардилар. Уларни «қўзбоғчи» деб атардилар. Болалар хўроз, катталар эса қўчқор уриштирардилар.

Қишлоғимизда Султонбобо деган шоирталбиат, аскиябоз одам бўларди. Теварак-атрофдагилар у кишини Султонбахши деб ҳам атардилар. Қувноқ ва ҳазилкаш эди. Шунинг учун бўлса керак, «Султон шўткари» деган лақаби ҳам бор эди. Ўзи қўшиқ тўқиб, даврага чиқиб, тўйганича ўйнар, дўмбира чертиб турли -туман қўшиқлар айтарди.

Ўшалардан баъзилари айнан бўлмаса ҳам тахминан эсимда қолган: Султонбобо гулхандан гир-гир айланиб, ўйнаб-ўйнаб, яна изига қайтганидан сўнгра, Бободеҳқон ёнида тўхтаб ва унга эгилиб туриб салом берар, мурожаат қиларди:

Ҳикматларга тимсол бўлган бошинг бор,
Қирқ элатга шоҳ бўлгудай ёшинг бор.
Арпа, буғдой бошоғидан қошинг бор,
Кучга тўлиб, минг-минглаб йўлдошинг бор.
Оёқ бердим, узоқларга етгин деб,
Қўл ясадим мақсадингга етгин, деб.
Соқол қўйдим ҳар бир туки сеҳргар
Бармоқларинг беш барака, экар зар.
Тишларингга қараб турсам, тиллодан,
Юз ва кўзинг аримасин жилодан!

Султонбобонинг ўзи ҳам худди Бободеҳқонга ўхшаб кетарди, қошлари ўсган, бароқ-бароқ, соқол-мўйлови оппоқ, кўкрагида кўркамлик, ўзига ярашган салобат, юзига хос ҳаловат бағишлаб турарди. Султонбобо Бободеҳқонга аталган қўшиғини тугатиб, яна беданадек чаққон йўрғалаб гулхан томон кетарди, унинг икки томонида тўпланган одамларга салом бериб, қушдек қанот кериб, қошларини сеҳрли қоқиб, одамлар дилини ёқиб, қўлидаги қайроқларни чақмоқдек чақиб ўйинчилар даврасига қўшиларди. Уларга жўр бўлиб, дам бир оёқлаб, дам икки оёқлаб тағин ўйинга тушиб кетар ва қандайдир бир тасвир қилиб бўлмас ҳузур ила кўзларини дам юмиб, дам очиб, бош чайқаб лапар айтарди:

Баҳор денгиз, куз қирғоқ,
Қор ёғмаса, ёз қурғоқ.
Оқмай қолади булоқ,
Дарё боши кўп узоқ.
Тезроқ эри қорли тоғ,
Азим дарё бўлиб оқ!
Сувингга ҳамма муштоқ
Гулласин боғу чорвоқ
Ўйна қўлимда қайроқ
Сайра қўлимда қайроқ!

Султонбобо ўйнаётган «қиз»лардан бирининг юзини очарди, бироқ рўмол тагида эркак кишини кўриб, уни жеркиб қочарди:

Юзинг қурсин, кет кўса...
Яккалакка ўйнасамми,
«Ёрим» рози бўлсалар,
Дуккалакка ўйнасамми.

Сўнгра, майдоннинг бир ёғидан йигитлар, иккинчи ёғидан қизлар чиқиб тизилардилар. Йигитлар сафига қўй терисидан тикилган қора қалпоқ кийган оқсоқол чол, қизлар сафига оқ чорси рўмол ўраган, худди шундай оппоқ лачак таққан кайвони-кампир бошчилик қиларди. Аслида эса булар аёл кийимидаги эркаклар бўларди.

(Давоми бор. Бошн газетанинг 64-сонида).

* Бо — яна (тожикча).

БАХТ-САОДАТ

Сенга бахтдан тахт тиларман,

Толедин бошингга тож,

Мулки ҳуснингга омонлик,

Тожу тахтингга ривож.

Эркин ВОҲИДОВ.





Олам яшилликка бурканиб, фасли баҳор келиши билан диллар гулу чаманзор янглиғ яшнаб кетади. Наврўзи олам — Янги йил бошланиши билан одамлар бир-бирига бахт-саодат, иқбол-истиқбол, омаду, тўкис-туганлик тилашади. Шоир айтганидек:

Ҳар баҳорга чиққанда яккаш,

Бахтим бормн дея сўрайман.

Наврўз табиатнинг уйғониши, инсон учун она-Ер ризқи-насиба етказиб беришга тўлғониб, ҳаракатга келиши, жонланишидир. Мана шу айёмга фарзандлар, қариндош-уруғлар, ёру дўстлар ҳамкасб биродарлар билан саломат етиб келиб, сайру роҳат қилиш бахтнинг гултожисн ҳисобланади.

Наврўз йилнинг бошланиши экан, ҳалол меҳнат ва ҳаётга муҳаббат билан яшаш умрга умр қўшади. Шоир ибораси билан айтганда, ҳар шодиёнада софдил ва дилкаш одамлар бир-бирларига «бахтдан тахт» тилайдилар.

Эртанги Наврўз билан ҳижрий От йили бошланади. Гўзалликда ғоят салим шу жонивор каби бақувват ва ўктам бўлиш ҳам бахтнинг энг яхши рамзидир.

Она-Ватанимизга, меҳнатсевар халқимизга ҳар бир хонадон, ҳар бир пок юракка Бахт-саодат ёр бўлсин!

Тўлқин РАСУЛЕВ.

ОМАДИНГИЗ КЕЛСИН

⊙ Тошкент вилоят касаба уюшмалар кенгаши президиумининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилди. Мухбиримиз Тошкент вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси, вилоят хотин-қизлар кенгаши раиси Д. М. Ғуломова билан ана шу ҳақда суҳбатлашди.

— Вилоят касаба уюшмалари кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгашлари билан ҳамкорликда меҳнат ва ўқув коллективларида, меҳнаткашларнинг истиқомат жойларида Наврўз байрамини умумхалқ байрами қилиб ўтказиш, халқ байрамлари ва маросимларнинг меҳнаткашларни ғоявий-ахлоқий, байналмилал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, СССР халқлари дўстлигини мустаҳкамлашдаги ролини ошириш мақсадида меҳнат ва ўқув коллективларида Наврўз байрамига яхши тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича вилоят кўригини эълон қилди. Қарорда касаба уюшмалари вилоят комитетлари, касаба уюшмалари раисларининг тармоқ кенгашлари, ноҳия хотин-қизлар кенгашлари, касаба уюшмалари комитетларига, меҳнат ва ўқув коллективларида, маданий муассасалар ва спорт томоша иншоотларида Наврўз байрамини тайёрлаш ва ўтказишда фаол иштирок этишлари тавсия этилди. Бу кўрикда барча, шунингдек шаҳримиздаги ҳамма районларда жойлашган маҳаллаларда истиқомат қилаётганлар ҳам фаол иштирок этишлари мумкин.

— Шаҳримиздаги корхона, ташкилот ва ўқув юртларн ҳам шу кўрикда иштирок этишлари мумкинми?

— Албатта, кўрикка тайёргарлик даврида шаҳримизнинг бир қатор меҳнат ва ўқув коллективларида Наврўз байрамини мазмунли, аҳоли талабларига тўла жавоб берадиган, унинг истакларини қондирадиган қилиб, ташкил этиш ишлари олиб борилди. Бугунги кунда «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнаткашлари цех ва ётоқхоналар, болалар майдончалари, спорт иншоотларида ободонлаштириш ва уларни безаш ишларини олиб боришди. Корхонанинг спорт комплексида ўтказиладиган байрамда қатнашиш учун меҳнат ветеранларига, ишлаб чиқариш илғорларига ва уларнинг оила аъзоларига таклифномалар юборилди. Шунингдек, Тошкент тўқимачилик комбинатида ҳам, бадиий ҳаваскорлик коллективлари Наврўзга бағишланган махсус программалар тайёрлашди. «Тошкент трактор заводи», «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, 1-пойабзал фабрикаси, 1-уй қурилиш комбинати, ТошДУ ва политехника институтида ҳам байрам куни халқ сайиллари ва ўйинларини ўтказиш, санъат усталари, дорбозларнинг чиқишлари, полвонларнинг беллашувлари, пойгаларни уюштириш билан бир қаторда сумалак, ҳалим ва шунга ўхшаш баҳор таомлари пиширилади. Фаол иштирокчилар ва ғолибларга гулдасталар тақдим этилади. Буларнинг ҳаммаси видеофильмга олинади.

— Кўрикдан асосий мақсад нимада? Ва бу кўрикка қачон якун ясалади?

— Кўрик меҳнаткашларни, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларини, барча ёшларни байналмилал руҳда тарбиялашга, меҳнат ва ижтимоий активликни оширишга хизмат қилади деган умиддамиз. Кўрик касаба уюшма комитетлари ва хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўйича тузилган комиссиялар раҳбарлигида ўтказилади. Ҳозир шаҳримиздаги ўнта районга ўнта путёвка ажратилди. Кўрикда ғолиб чиққанлар чет элларга саёҳат қилиш учун туристик йўлланмалар, ВЦСПСнинг нишони, вилоят касаба уюшмалар кенгаши ва вилоят хотин-қизлар кенгашининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланадилар. Рағбатлантириш учун материаллар вилоят касаба уюшмалари кенгашига 30 мартгача етказилиши лозим. Ҳаммани кўрикка қачон якун ясалиши қизиқтирса керак, албатта. Вилоят касаба уюшмалар кенгаши президиуми ва вилоят хотин-қизлар кенгашининг қўшма мажлисида кўрикка якун ясалиб, ғолиблар аниқланади.

Суҳбатни
Аҳмад НУРЖОНОВ
ёзиб олди.

НАВРЎЗ:

РАМЗИЙ ҚАҲРАМОНЛАР

ҚАДИМИЙ анъанавий Наврўз байрами умумтаълим мактабларида ҳам кенг нишонланмоқда.

Шу мақсадда «Мактабда Наврўз байрами» методик тавсиялари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги ва жумҳурият ўқув-методика маркази томонидан тайёрланган бу педагогик ҳужжатда Наврўзни байрам қилишнинг ўзига хос асосий масалалари методик йўналишда атрофлича кўрсатиб берилди. Бу яхши анъананинг тарбиявий аҳамиятга доир тавсияларига ҳам алоҳида эътибор қилинди. Наврўз байрамининг рамзий қаҳрамонлари, уларни бадиий образлар сифатида қандай гавдаланишлари хусусида ҳам яхши фикрлар баён этилди.

Мактабда Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тартиблари ҳам ёритилди.

Акбар АЛИЕВ.

Ишчилар қувончи

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти 1-ётоқхонасининг спорт залида Наврўз тантаналари бўлиб ўтди. Корхона хўжалик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ҳасан Деҳқонбоев, шу ётоқхона тарбиячиси Раъно Акбаровалар ёш ишчи ва хизматчиларни улуғ айём билан табриклаб, уларга муваффақиятлар тиладилар.

Нашриётнинг Убайдулла Пўлатов раҳбарлигидаги «Диёр» ансамбли хушовоз хонандалари ижро этган ўзбек халқ қўшиқлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Юлдуз Қўлдошева, Манзура Обидовалар-нинг миллий музикалар садоси остида тушган рақслари кўпчилик қалбига қувонч бағишлади.

Тантана давомида ҳар хил спорт, лотерея ўйинлари ўтказилди. Айниқса, 9 ёшли гимнастикачи Ғайрат Шалқарбоевнинг мураккаб ўйинлар билан чиқиши байрам қатнашчиларини ҳайратда қолдирди.

Ғулом ЮСУПОВ,
ишчи.



ТИНЧЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК

Тинчлик, хотиржамлик ила ҳаёт ҳур бўлур,
Садаф ичра сокинликда қатра дур бўлур.

Ашраф ШАМС.

— Ассалому алайкум!.. Мана шу улуғ калом айтилгач, соғлик-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик ҳол-аҳволи сўрашади.

Инсоннинг энг қимматли бойлиги — саломатлик, тинчлик-хотиржамлик эса умрнинг пойдеворн бўлиб хизмат қилади.

Доно кексалар эзгу ният билан дейдилар:

— Тинчлик-хотиржамлик бўлсин! Эл-юртимиз тинч бўлсин!

Яхши бу ният-тилакда катта ҳикмат бор. Тинчлик бўлган юртда фаровонлик, дўстлик, меҳр-оқибат, завқли меҳнат жўш уради.

Қишнинг қаҳрли совуғи ва зулматли узоқ кечалари тугаб, Наврўзга чиқиб олган ҳар бир жон борки, шукрона айтади.

— Тинчлик-хотиржамлик билан баҳорга чиқиб олдик, минг бора шукр!

Бу шукронада гап кўп. Ҳар Наврўз бошланиши билан умрга умр қўшилади. Шунинг учун ҳам умр сарҳисоб қилинганида «Неча қишни қаршиладингиз?» деб сўралмайди, «Нечанчи баҳорни қаршиладингиз?» деб чиройли лутф айтилади. Ҳамсуҳбат баҳор гўзаллигини кўз ўнгига келтириб, севинч билан дейди:

— Тинчлик-хотиржамлик бўлса, бу йил Наврўзда юзинчи баҳорни кўраман, бўтам!

Тинчлик ва хотиржамликнинг хосияти ана шунда! У сиҳат-саломатлик, завқли меҳнат, ҳаётга муҳаббат, эл-юртга бахт-саодат келтиради.

Пойқадами қутлуғ келинчакдек гўзал Наврўз она-Ватанимизга ва ҳар бир хонадонга файзли тинчлик-хотиржамликни олиб келсин!

Турғун РАҲИМОВ.



Куй-қўшиқлар ҳаволанди. Ҳар бир парда, ҳар бир оҳанг осмону фалакка ўрлайдию, гўё гулга айланиб заминга тўкилди. Ўриклар, бодомларга илашади ўша гуллар. Шунинг учун бўлса керак Наврўз куни ҳар бир майсадан, ҳар бир гулдан оҳанг таралаётганга ўхшайди. Шўх қўшиқлар, дилрабо мусиқалар қаторн ота-боболаримизнинг ҳам асрий ўлмас оҳангларн янграб қолди:

Қаро кўзим кел эй мардумлуғ эмди фан қилғил...

Шиқаста овоз кимники! Эшитганларни «сел қилиб» куйлаётган классик ашулаларнинг моҳир ижрочиси Муножот Йўлчиева.



МАҲАЛЛАДА СУМАЛАК

Собир Раҳимов районидаги Ойбек номли маҳаллада Наврўзнинг шоҳ таоми сумалак тайёрлаш байрами бўлиб ўтди. Маҳалла аёллари барвақт ундириб қўйишган бугдой майсалари дошқозонга солинди ўчоққа олов қўйишди. Улар дошқозон атрофида ялла ва лапарлар куйлашиб, хушчақчақлик билан тонготар сумалак навлашди.

Сумалак сайили баҳона маҳалла боғлари, кўчалари, хонадонлари тартибга келтирилди. Кўча ариқлари атрофига мевали кўчат ниҳоллари ўтқазилди. Дарахтлар танаси оқланди. Байрам шодиёнасини уюштириш ва ўтказишда маҳалла комитетининг раиси У. Пўлатов, Б. Аминов, О. Орифжонов, Ф. Рустамов, Қ. Бобоқуловлар фидокорлик кўрсатишди.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ.

МУНОСИБ СОВҒА

ТОШКЕНТ подшипниклар ремонти заводининг кенг истеъмол буюмлари бўлимида янги целлофан пакетлар чиқарила бошланди. Бу пакетлар Наврўзга бағишланган бўлиб, баҳор тасвирлари акс эттирилган ва ранг-барангдир. Корхона аҳли баҳор байрамига 190 мингта ана шундай маҳсулот тайёрлаб савдо шохобчаларига чиқарди.

ТОШКЕНТ тажриба-механика экскаватор ремонти заводи аҳли Наврўзга бағишлаб дастурхонларнинг икки турн ва баҳор акси туширилган бир неча хил целлофан халталар ишлаб чиқариб, савдо пештахталарига юборди. Ой охиригача 14 минг 700 сўмлик истеъмол буюмлар ишлаб чиқарилади.

Мурод АЗИМОВ.

ЎЗГАЧА ЧИРОЙ БИЛАН

НАВРЎЗ айёми кунларида шаҳримизнинг марказий кўчалари, майдонлари, даҳа ва мавзелари ўзгача чиройда. Баҳор ва дўстлик шодиёналарининг янада файзли ва қувончли ўтиши учун барча тадбирлар ниҳоясига етказилди.

— Дарҳақиқат, бугун шаҳримиз кўчаларида юрган ҳар бир киши баҳор байрами руҳини дилдан ҳис этмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармаси шаҳарни ташқи безаш бўлимининг бошлиғи, СССР Архитекторлар уюшмасининг аъзоси Мирхон Орипов. — Биз бундан бир ойча олдин шаҳар марказий кўчалари, майдонларининг ташқи безаги қандай бўлиши кераклиги хусусида режалар тузиб олган эдик. Шу вақт ичида режалар бекаму кўст бажарилди. Бугун шаҳримизнинг В. И. Ленин номидаги Бош майдони, Халқлар дўстлиги майдони ранг-баранг алвонлар, шиорлар билан безанган бўлади. Ҳамшаҳарларимиз севиб ҳордиқ чиқарадиган Карл Маркс номли кўчанинг пиёдалар йўли, Навоий кўчасидаги Шоирлар хиёбони, Халқлар дўстлиги майдонларининг ҳам файзи айниқса ўзгача.

Маълумки, ўтмишда шаҳримизнинг 12 та дарвозаси бўлган эди. Бугун эрталабдан бошлаб шу дарвозалар ўрнида карнай-сурнай, ноғора садолари яғради.

«Наврўз келди, кўнгилларга муҳаббат келди!», «Наврўз — баҳор ва меҳнат байрами!», «Ассалом, Наврўз, ассалом Янги йил!» каби шиорлар ҳар бир кишининг қалбига қувонч ва сурур бағишламоқда.

Шаҳарни байрамга безатиш ишларида ободонлаштириш Бош бошқармасининг, шаҳарни ташқи безаш ишлаб чиқариш комбинати ижодкор мусаввирларининг, архитектор ва дурадгорларнинг, марказий аварня хизмати ходимларининг амалга оширган ишлари ҳар қанча диққат ва таҳсинга лойиқдир.

Собир БОТИРОВ.

ОЛАМ ОҲАНГГА ТЎЛСА

— Муножотхон, Наврўз байрамида аввалгн қатнашганмисиз?

— Бундан уч-тўрт йил аввал Андижонга боришим Наврўз кунларига тўғри келиб қолди. Марҳамат районидаги 10000 кишилик байрамда қатнашдим. Ўша кунни эсласам ҳали ҳам кўзларимга ишонмайман. Бир тарафда сумалак, бир тарафда ҳалим. Кенг майдон худди улкан тўйхона! Дастурхондаги ноз-неъматларнинг баъзиларини, ҳатто, кўрмаган, исмини эшитмаган эканман. Халқимизнинг пазандалик санъати — бошқача айтиш мумкин эмас, чиндан ҳам санъат—мени лол қолдирганди ўшанда.

— Айтганча, сиз андижонликсиз-ку!

— Ҳа, Хўжаобод районидаги Ширмонбулоқ қишлоғининг Оқсув маҳалласида ўсиб-улғайганман. Санъаткор бўламан деб кўпда ўйламаганман. Тўғри, онам, бобом ўзларича ашула хиргойи қилишар эканлар. Бобом дутор чертиб катта ашулаларни айтишни яхши кўрар эканлар. Аслида бобом чорвадор, отам колхозчи бўлишган. Шуларнинг таъсиримн, билмадим, мен ҳам эшитганларимни ўзимча такрорлаб юрардим. Сўзларини яхши тушунмасдим.

— Кейин мактабдаги мусиқа тўгарагига қатнашгансиз!..

— Йўқ, унақа бўлмаган. Биров «Сен ундоқ эмас, бундоқ айт», деб йўл кўрсатмаган. Ҳаммаси дилимдаги ҳавасдан, иштиёқдан бошланган. У пайтда мусиқа, оҳанг, овоз, шеър, ғазал танлаш кераклигини билмасдим ҳали.

Тоғам Абдулла Мавлонов мусиқани жуда қадрлардилар. Ўрта мактабни тугатганимдан кейин Тошкент Давлат консерваториясининг вокал факультетига ўқишга кир, деб маслаҳат бердилар. «Овозинг тўғри келмайди» дейишди, ҳуллас кириш имтиҳонларидан ўтолмадим. Омад келмаса ёмон экан.

Шавкат Мирзаев «Бўлмаса бизнинг Шарқ кафедрамизга ўтақолинг, бир ўриниб кўрамиз», дедилар. Икки йил тайёрлов курсида таҳсил олдим.

— Омадга ишонар экансиз-да! Лекин санъат омад баробарида машаққатли меҳнат ҳамку?!

— Шуни айтмоқчи бўлиб турувдим. Мен биринчи ашулямни айтгунимча озмунча тер тўкмадим. Устозим Шавкат Мирзаев мендан кам меҳнат қилмади. Ҳар битта парданн, ҳар битта сўзни кунлаб машқ қилишга тўғри келганини айтсам, биров ишонади, биров ишонмайди.

— Илк бор санъат ихлосмандларн имтиҳонидан ўтган кунингизни эслайсизми?

— Ҳар лаҳза эслаб тураман! 1980 йилнинг 9 февраль эди ўшанда. Ўзбекистон телевидениесининг «Наздм ва наво» эшиттиришида қатнашдим. Эшиттириш Навоий лирикасига бағишланганди. «Ушшоқ» ва «Муножот» қўшиқларини ижро этгандим.

— Ҳазрат Навоий туғилган кун, Навоий ғазалларини куйлаб, яна ҳам лўндароқ айтсам Навоийнинг фотиҳасини олиб кирган экансиз санъат оламига!

— Бу ҳаётимдаги энг бахтли лаҳза эди!

— Бобур туғилган кунга бағишланган адабий-бадиий кечада ҳам иштирок этдингиз...

— Бир жуфт қўшиқ айтдим. Мирзо Бобур ғазали билан «Қолдиму», «Баёт Шерозий талқинчаси»нинг куйига Бобурнинг «Келди» ғазалини солиб айтдим. Умуман, Мирзо Бобурнинг хотира кечасида иштирок этишимнинг ўзи фахрли тишса, бошқа нима керак аёлга!

— «Фарғонача Шаҳноз», «Эй дилбари жононим», «Оҳим раҳм айламас» сингари қўшиқлар билан санъат шинавандаларн қалбини забт этгансиз. Айтингчи, янги ашулалар тайёрлаяпсизми?

— Санъаткор ўз ижодий сирини очмаслиги керак, шундай бўлса ҳам айта қолай: Абдулла Орипов шеъри билан «Бул ажаб», Фузулий ғазали билан «Гирён этмади», «Зор ўлубон», Насимий ғазали билан «Қайдасан» қўшиқларини яқин орада ёзамиз. Яна Увайсий ғазаллари билан айтиладиганлари ҳам бор.

— Ҳозир «Зарафшон» ансамблида экансизми?

— Ҳа, ансамблимиз жуда яхши, аҳил жамоа. Санъатни жон-дилдан севган санъаткорлар бир оила бўлиб уюшган.

— Ансамбль бўлганидан кейин, ижодий сафарлар, гастролларга ҳам борасиз. Турмуш ўртоғингиз бунга қандай қарайдилар?

— Турмуш ўртоғим Ҳурматилло Бўриев билан 1987 йилда оила қурдик. Фарзандимиз бор, исми Музаффаржон. Май ойида икки яшар бўлади.

Ростини айтсам, турмуш ўртоғимдан ёлчиганман. Ашулаларнинг илк тингловчиси ҳам, илк танқидчиси ҳам Ҳурматилло акам.

Ашулаларим ёзилган кассеталар бор. У киши доим уни магнитофонга қўйиб, эшитадилар. Бирон-бир жойи ёқмаса, «Мана шу ерини бир ўйлаб кўринг», деб маслаҳат берадилар. Уйда машқ қилсам, барча шароитни муҳайё қиладилар. Концерт бергудек бўлсам, уй юмушларини зиммаларига оладилар. Касбингни ҳурмат қилса, ҳамкор бўлса, оила юкини баробар тортишса, бошқа нима керак аёлга!

— «Фарғонача Шаҳноз», «Эй дилбари жононим», «Оҳим раҳм айламас» сингари қўшиқлар билан санъат шинавандаларн қалбини забт этгансиз. Айтингчи, янги ашулалар тайёрлаяпсизми?

— Санъаткор ўз ижодий сирини очмаслиги керак, шундай бўлса ҳам айта қолай: Абдулла Орипов шеъри билан «Бул ажаб», Фузулий ғазали билан «Гирён этмади», «Зор ўлубон», Насимий ғазали билан «Қайдасан» қўшиқларини яқин орада ёзамиз. Яна Увайсий ғазаллари билан айтиладиганлари ҳам бор.

— Бу йилги Наврўз байрамига атаб янги қўшиқ ижро этасизми?

— Мавлоно Муқимийнинг девонини варақлаб турнб, «Навбаҳор» ғазалига кўзим тушди. Негадир менга жуда ҳам ёқди. Уни айтиш ниятим бор.

Ғазал ёзувчи шоирларимиз талайгина. Агар улар Наврўз шаънига янги ғазал битсалар жон-дилим билан ижро этардим.

— Наврўз айёми арафасида оқшомхонларга нималар тилар эдингиз?

— Наврўз — Янги кун! Бизнинг Янги йилимиз десам янада тўғри бўлади.

Наврўз барча учун омонли келсин!

Муножот Йўлчиева билан узоқ суҳбатлашдик. Санъаткор фақат бугунга эмас, эртага ҳам кераклиги, санъаткор қадрини оширш, унинг меҳнатнни муносиб баҳолашдан тортиб, ёш талантларга эътибор хусусида ҳам баҳслашдик.

«Шу қиз—менинг давомчимі «Муножот» энди айтилмасдан қолиб кетадими деб ўйлардим. Хайрият, «Муножот» ўз эгасини топди».

Бу менинг сўзларим эмас. Бу Ўзбекистон ССР халқ артисти Берта Давидовнинг сўзлари.

Наврўз юртимизга ташриф буюрди. Куй-қўшиқлар баралла янградн. Муножот Йўлчиева ижро этган ажойиб ўзбек халқ ашулаларн байрамга алоҳида файз киритади, албатта.

Темур УБАЙДУЛЛО.

СУРАТДА: Муножот Йўлчиева турмуш ўртоғи Ҳурматилло ва ўғли Музаффаржон билан

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ НОЗИРЛИГИ ХАЛҚ ИЖОДИ ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРИ ЖУМҲУРИЯТ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1-2 апрель соат 15.00, 19.30 да

«АССАЛОМ НАВРЎЗ»

«ОТАЛАР ЧОЙХОНАСИ — КУЛГУ КОШОНАСИ» мавзуида

ҚЎШИҚ ВА ҚУЛГИ КЕЧАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Унда жумҳуриятимизнинг Андижон, Марғилон, Тошкент, Қўқон вилоятларининг севимли кулги дарғалари қатнашадилар.

Ўзбекистон ССР халқ артисти
ҒАНИ АЪЗАМОВ

Аскиячилар: ЖАЛОЛ МАХСУМ ЗАИНИДДИНОВ, ТУРСУНБОЙ ҒАЙЗИЕВ, ЙЎЛДОШХОН НОСИРОВ, ҒУЛОМЖОН РЎЗИБОЕВ, ОРИФ УСМОНОВ.

Қизиқчилар: МУҲАББАТХОН ТОШПЎЛАТОВА, ЖУРАХОН ПЎЛАТОВ, МАШРАБ НАЗАРОВ, ЗАЙНОБИДДИН ЮСУПОВ, МАДАМИНЖОН ЮСУПОВ, МАМАСИДИҚ ШИРАЕВ.

Хонандалар: ҒОФИРЖОН ҚУЧҚОРОВ ВА УРОЗАЛИ ТОШМАТОВ

Рақсларда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ДИЛБАР ЮНУСОВА, НАРГИЗА АЛИМОВА.

«НАФОСАТ» ХАЛҚ АНСАМБЛИ

Билетлар сотилмоқда.

Бош режиссер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

Касса соат 11.00 дан ишлайди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

27, 28 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА

«БАҲОР ТАРОНАЛАРИ»

М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармониясининг солисти

НУРИДДИН ҲАЙДАРОВ КОНЦЕРТИ

Программани ЎТКИР СИДДИҚОВ олиб боради.

Чипталар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан бошлаб сотилади.

Ўзбекистон Маданият фонди
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

РЕСПУБЛИКА ҚИНОЧИЛАР УЙИДА

22 МАРТ СОАТ 19.00 ДА
ҚЎШИҚЧИ-ШОИР, ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

ИЛЕС МАЛЛАЕВНИНГ

ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Филология фанлари доктори НАТАН МАЛЛАЕВ; санъатшунос олим БАҲРИДДИН НАСРИДДИНОВ; ЛЕВИ ЁҚУБОВ;
Ўзбекистон ССР халқ артистлари: МУҲАББАТ ШАМАЕВА, ЁҚУБ АҲМЕДОВ.
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: ИСҲОҚ КАТАЕВ, ИСРОИЛЖОН ВА ИСМОИЛЖОН ВАҲОБОВЛАР, ЭДУАРД ҚАЛАНДАРОВ, ЮСУФ ШАЛОМАЕВ, ЭСОН ҚАНДОВ.
Ёзувчилар: ТОҲИР МАЛИК, АРОН ШАЛОМАЕВ.
Хонанда ва созандалар: ЭЗРО МАЛАКОВ, ОЧИЛ ИБРОҲИМОВ, СУЛТОНПЎШША ЎДАЕВА, МАДАД БАРАЕВ, ДОВУД ДАВИДОВ, РУБЕН МОРДУХАЕВ, АЛПАНАХ БАБАЕВ, ИЛҲОМ АБДУЛЛАЕВЛАР.

Кечани Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ТЕША МЎМИНОВ ва ИБРОҲИМ КАТАНОВлар олиб борадилар.

Кўпчилик бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

БИЛЕТЛАР ЎЗБЕКИСТОН КИНОЧИЛАР УИНИНГ КАССАСИДА СОАТ 11.00 ДАН БОШЛАБ СОТИЛАДИ.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 45-85-35, 39-42-68.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21/III да **Тўмарис.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/III да **Нажот истаб.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/III да **Гул ва Наврўз.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/III да **Келинлар қўзголони** (19.00).

КИНО

21 МАРТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «САҲРО СИРЛАРИ» (катта зал, 18.30, 20.45), «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (кичик зал, 17, 19,30, ўзбек тилида).

Чайка — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (18,30, 21.00).

Москва — «КОИНОТДАГИ ХАЗИНАЛАР ОРОЛИ» (18.20, 20.45).

Восток — «ОҚСУЯК» (17.30, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (18.30), «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (21.00 да, ўзбек тилида).

Ўзбекистон ССР 25 йиллиги — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (18,30, 21.00).

К. Ерматов номли — «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (18.30, 21.00).

22 МАРТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «САҲРО СИРЛАРИ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (кичик зал, 12, 14, 17, 19,30, ўзбек тилида),

Чайка — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Москва — «КОИНОТДАГИ ХАЗИНАЛАР ОРОЛИ» (11, 13.30, 16, 18.20, 20.45).

Восток — «ОҚСУЯК»» (11, 14.20, 17,30, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (11, 13.30, 16, 18.30), «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (21.00 да, ўзбек тилида).

Ўзбекистон ССР 25 йиллиги — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

К. Ерматов номли — «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (11, 14.30, 16, 18.30, 21.00).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Оқшомхонлар диққатига!

«Тошкент оқшоми»нинг навбатдаги сони 23 мартда чиқади.

Муҳаррир ўринбосари С. Б. ЁҚУБОВ.

Р. 03171.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.